

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.



Ўзбекистон — Россия ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш, энг аввало, Санкт-Петербург шаҳри билан иқтисодий кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш қўрсаткичлари ўсаятгани мамнуният билан қайд этилди — ўтган йил якунларига кўра ҳудудлар даражасидаги экспорт-импорт ҳажми 20 фоизга ошди. Пойтахтимизда Ишбилармонлик маркази фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, Янги Тошкент ҳудудида “Петербург мавзеси”ни барпо этиш лойиҳасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Россия делегациясининг бу галги ташрифи чоғида металлургия, ускунасозлик, йўл қурилиши, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, логистика ҳамда бошқа соҳаларда 23 та кооперация лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилинди.

Хусусий тиббиёт, таълим, коммунал хўжалик, рақамли технологиялар, миграция ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар қўллаб-қувватланди.

Фаол гуманитар алоқаларни давом эттириш ва қўшма маданий тадбирларни мунтазам ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил октябрь ойида икки мамлакат ҳудудлари кенгашининг иккинчи йигилишини самарали ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни кўришга келишиб олинди.

ЎЗА

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Бугунги кунда дунёда молиявий технологиялар бозори тез суръатда ривожланипти. Унинг ҳажми бу йил 300 миллиард доллардан, 2030 йилга бориб, 600 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Юртимизда ҳам мазкур йўналишда катта имкониятлар бор. 2018 йилда FinTech корхоналари 24 та бўлган, ҳозирги кунда эса 103 тага етган. Жорий йил маҳаллий корхоналаримиз 260 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4 баробар кўп.

Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида минтага стартапни қўллаб-қувватлаш, “Open banking” тизимини жорий қилиш, молиявий технологияларни ривожлантириш бўйича беш йиллик стратегия ишлаб чиқишни айтилган эди. Тақдиротда мутасаддилар шу борадаги режалар ва таклифлар юзасидан ахборот берди.

Стратегияни пухта ишлаб чиқиш учун, аввало, меъёрий-ҳуқуқий база, молиявий технологияларнинг ҳозирги ҳолати, инфратузилма ва кадрлар масаласи таҳлил қилинмоқда. Сингапурлик экспертлар жалб этилиб, халқаро тажриба ўрганилмоқда. Шу асосда бу соҳадаги

миллий тамойиллар шакллантирилади, институционал архитектура ва идоралараро ҳамкорлик тартиби белгиланади. Якуний мақсад барқарор, инклюзив ва рақобатбардош молиявий хизматлар экотизимини яратишдир.

Бугунги кунда молия бозорини сунъий интеллект ва блокчейн технологияларисиз ривожлантириб бўлмайди. Таҳлилларга кўра, булар орқали банклар даромадини 20 фоизга, молиявий хизматлар ҳажмини 30 фоизга ошириб, хавфларни 15 фоизга камайтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари банкларнинг технологик имкониятларини кенгайтириб, рақамли хизматларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

Соҳада муваффақият мезонларини аниқлаш ва бошқариш мақсадида Марказий банкда Финтех офиси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгиланди. Стартлаблар акселерацияси, янги ғоялар ва инвестицияларга шароит яратиш учун инновацион хаб ташкил қилиниши маъқулланди. Бу чора-тадбирлар келгусида Ўзбекистоннинг минтақавий финтех марказига айланишига хизмат қилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ИНДЕКСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Бу каби янгиланишлар нафақат пойтахт ва унга ёндош, балки олис ҳудудларда ҳам намоён бўлмоқда. Одамлар ҳаёти, турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда. Бунини ислохотлар вилоят, туман даражасидан маҳаллалар даражасига туширилгани маҳсули дейиш мумкин.


Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар “хонадонбай”, “маҳаллабай” ўрганилмоқда, уларни комплекс ечишга қаратилган қатор дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Оролбўйининг энг чекка овулидан тортиб, Андижоннинг энг чекка қишлоқларидаги ички йўللارга ҳам асфальт ётқирилиши, ичимлик сув тармоқлари тортилиши, электр тармоқлари модернизация қилиниши ислохотлар ислохотлар учун эмас, амалда инсон кадрлари учун рўёбга чиқарилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Аҳоли муаммолари ечимига, оддий фуқаролар тақдирига бундай одилона ва оқилона ёндашув халқимиз кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хавотири ариб, ўзи, фарзандлари келажагига ишончи ортмоқда. Одамларнинг ҳаётга, яшашга муносабати ўзгариб, тадбиркорликка, ишбилармонликка иштиққи юксалмоқда.



Давоми 2-бетда

2025 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишбилармонлик фаоллиги индекси



ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ: БАРҚАРОРЛИК ФАЛСАФАСИДАГИ УЙҒУНЛИК

Ўтган йилларда ШҲТда мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилди, сиёсат, хавфсизлик, савдо ва инвестиция, маданий-гуманитар жабҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ташкилот сафи Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Беларусь билан кенгайди. Евроосиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий хилма-хиллигини ифодаловчи шерик ва кузатувчи мамлакатлар ҳам қўшма фаолиятга жалб этилди.

Ташкилотнинг бундай жозибадорлиги сирини жуда оддий: бу бунёдкорлик фалсафасига қатъий содиқлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун очкилик, учинчи давлатларга қарши

йўналтирилмаслик, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари, ўзига хослигини ҳурмат қилишдир. Энг муҳим ютуғи генетик коди, яъни “Шанхай руҳи”дир. У ўзаро ҳурмат, ишонч,

тенглик, маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва биргаликда ривожланишга интилишни англатади.

Давоми 3-бетда

Кун нафаси “ЯШИЛ” ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ ОМИЛИ

Бугун биз фан ва технологиялар юксак тараққий этган, инновациялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётган даврда яшаймиз. Бу ўзгаришлар тўқис ва фаровон ҳаёт кечиришимизга имкон яратмоқда. Аммо турмушимизни обод, умримизни чароғон этаётган ушбу қулайликлар она табиатнинг инқирозига сабаб бўлаётгани ачинарли. Зеро, саноатнинг жадал ривожланиши ортидан сайёрамизнинг экологик мувозанатига жиддий путур етди.

Тирикчилигимизнинг муҳим манбаи бўлган сув, ҳаво, тупроқ ифлосланмоқда ва табиий захиралар камайяпти. Бу муаммоларга ечим топиш учун инсоният саноат ва техника тараққийётининг шундай йўллари кешф этиши керакки, бу йўллар инсониятнинг заволи эмас, истиқболи учун хизмат қилиши зарур.

БМТ ташаббуси билан бу йўналишда жаҳон миқёсида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Экологик мувозанатни барқарорлаштириш, глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича халқаро конвенциялар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Давоми 2-бетда

БИРИНЧИ ЎРИНДАГИ ГАПЛАР

ёхуд юртимизда инсон капиталига қандай эътибор берилмоқда?



EL-YURT UMIDI JAMG'ARMASI

Бугунги кунда мамлакатларнинг узок муддатли ривожланиши ҳақида гап кетганда, нефть, газ ёки олтин ҳақидаги суҳбатлар аста-секин иккинчи ўринга тушиб бормоқда. Унинг ўрнини бошқа омил — инсон капитали эгалламоқда. Ўзбекистонда унга мавҳум тушунча сифатида эмас, балки ислохотларнинг асосий ресурси, ўсишнинг бош манбаи, таълим ва касбий тайёргарликка стратегик сармоя деб эътибор берилляпти.

Бунда ёшларнинг ҳаётӣ, техник, инновацион ва тадбиркорлик кўникмаларини оширишга урғу қаратилаётгани диққатга сазовор. Тенг имкониятлар яратиш орқали уларнинг иқтисодӣ, ижтимоӣ ва сиёсий соҳаларда фаол иштирок этиши рағбатлантирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, “ижтимоӣ лифт”лар яратилмоқда, иқтисодӣ ёшларнинг Ўзбекистонда ўз ижодӣ, таълимӣ ва иқтисодӣ салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар мавжуд.

Давоми 5-бетда

Тадқиқот

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК
ФАОЛЛИГИ ИНДЕКСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни, ишбилармонлик мухитини яхшилашга қаратилган дастурлар, ижтимоий дафтарлар камбағаллик домига, умидсизликка тушиб қолган минглаб оилаларни ўтгир ижтимоий муаммолар ботқоғидан олиб чиққани бугун айни ҳақиқат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий манбаи. Шу боис, ишбилармонлик мухитини янада яхшилашга, одамларимизда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шу йил август ойда давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда ҳам таъкидлаганидек: **“Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла — ҲАҚАТ тадбиркор ҳаракат қилганида, уларга қулоқ тутиб, ишонч билдирилганида ривожланади, обод бўлади”.**

Бундан англашिलाдики, ишбилармонликка, тадбиркорликка устувор аҳамият қаратилиб, одамларимизни иш билан таъминлаш, шу орқали ҳар бир хонадонга фаровонлик олиб кириш йўлидан борилмоқда. Аслида, бозор иқтисодиётига асосланган дунё тажрибасида шундай. Синалган ва ўзини оқлаган тажриба.

Мақсад аниқ ва йўналиш тўғри белгилансагина, кўзланган муваффақиятларга босқичма-босқич эришилади. Зеро, ўтган даврда минглаб микро ва кичик корхона қисқа муддатда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, катта-катта компаниялар билан рақобат қила бошлагани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Хусусан, 1600 та кичик корхона бир йил ичида айланма маблагини 10 миллиард сўмдан ошириб, бирданига ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қадам сакраб, йирик бизнес сафига кўшилди.

Ўтган йили айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. Бу йилнинг ўтган олти ойида уларга қўшимча яна 47 та корхона 400-500 миллиард сўмлик маррани забт этди.

Бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмлар жорий қилиниши туфайли 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайиб, 2,2 миллиондан 3 миллионга етди. 273 мингта корхона иш ҳақи фондини 22 фоиз ёки 4,6 триллион сўмга оширди. Ўтган йили хусусий секторда ўртача ойлик 4 миллион сўмини ташкил қилган бўлса,


бугунги кунда 5 миллион сўмга яқинлашди.

Эришилган бу ютуқ ва муваффақиятлар мустақил ўтказиладиган халқро ва миллий тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топаётгани қувонарли.

Жумладан, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан куни кеча 2025 йил август ойи бўйича Ишбилармонлик фаоллиги индекси натижалари эълон қилинди. Унга кўра, **Ишбилармонлик фаоллиги индекси 1029 бирликини ташкил этиб, июль ойидагига нисбатан 2,9 фоиз қадма ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30,9 фоиз ортган.**

Бу хўжалик товар-хонашёр биржасида хонашёр сотиб олиш жадаллиги 14,2 фоиз ортгани, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлари сони 0,4 фоиз кўпайгани билан изоҳланади.

2025 йил август ойда ИФИ ўтган ойга нисбатан 2,9 фоизга ортди



2025 йил август ойда барча турдаги фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлари сони ўтган ойгагига нисбатан 2038 тага ортди, 490 минг 622 бирликини ташкил этган.

Йирик тадбиркорлик корхоналари сони эса 23 тага ошган. Ҳисобот даврида кичик корхоналар сони 392 минг 415 тадан 395 минг 603 тага ортган (ўсиш 3188 та).

Шунингдек, 2025 йилнинг август ойда юридик шахслар томонидан 398 та товар белгиси ва товар номи рўйхатга олинган. Ўзбекистонда Ишбилармонлик фаоллиги индексини ҳисоблаш амалиёти 2009 йилдан бошланган бўлиб, иқтисодиёт ҳолатини тезкор баҳолаш учун самарали восита сифатида қўлланилади. Индекс иқтисодиётнинг барометри сифатида хизмат қилади ва ишбилармонлик мухитини реал вақт режимида акс эттиради.

Ишбилармонлик фаоллиги индекси тўрт асосий йўналиш — банк операциялари, товар-хонашёр биржасидаги фаолият, корхоналар сони ва янги савдо белгилари рўйхатдан ўтказилиши бўйича маълумотларни уйғунлаштиради. Шу тарзда индекс қисқа муддатли ўзгаришларни аниқлаб, расмий статистика эълон қилинишига иқтисодий динамиканинг умумий манзарасини яратиш имконини беради. Индекс ўсиши ишбилармонлик мухити кенгайиши ва бизнес қутилмалари мустаҳкамланишидан, пасайиш эса эҳтиёткорлик кучайиши ва қисқариш хавфидан сигнал беради.

Сирасини айтганда, юқоридagi тадқиқот натижалари ислохотлар жойларда қандай самара бераётгани, иқтисодиётга, халқимиз ҳаётига қай даражада наф келтирётганини аниқ кўрсатиб бергани билан аҳамиятли.

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

Бугун китобхонликни оммалаштириш ҳақида кўп гапиряпмиз. Президент ташаббуси билан китобхонлик алоҳида мукофотлар билан тақдирланмоқда. Кўрсаткичлар наشريётлар сони кўпаяётгани, чоп этилаётган китоблар сони ва адади ҳам тобора ошаётганини кўрсатмоқда. Соҳага 25 миллион доллар миқдорида тўғридан тўғри инвестиция киритилган. Шунингдек, 2025 йил 1 январдан бошлаб наشريёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

НОШИРЛИК
ИШИДА ЯНГИЛИК

Шу билан бирга, чоп этилаётган китобларнинг мазмун-мундарижаси, савия ва мафқураси нечоғлиқ қониқарли? Бу савол бежиз қўйилгани йўқ.

Китобхонлик маданияти ривожланаётгани сари мавзу долзарблиги ҳам ошмоқда. Биз қандай китобларни ўқиямиз, янги чиқаётган бадий, илмий, тарихий нашрларимиз адабиёт талаблари, илмий изланишлар, соҳаларда эришилган ютуқлар билан уйғунми? Савод-чи, савод масаласи қандай бўлмоқда? Очиғи, кўплаб ноширлик фаолияти билан машғул тадбиркорларимиз баъзида тўғридан тўғри интернет иловалари орқали ўтирилган бадий асарларни чоп этаётганига нима дейсиз? Уларда адабиёт илмидан бохабар кадрлар фаолият кўрсатаётгани эса янада ачинарли.

Эътибор беринг; сўнгги 4 йилда наشريётлар сони 3,5 баробарга кўпайиб, 590 тага етган. Бир томондан қувонарли рақам: шундан 90 фоизи (531 та) хусусий. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошиб, ҳар йили ўртача 11 минг номда 40 миллион нусхада адабиётлар нашр этилмоқда. Бу жуда катта кўрсаткич.

Ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, наشريётларнинг 248 тасида бош муҳаррир лавозимини мавжуд эмас. Унинг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва уларнинг масъулиятига оид нормалар йўқлиги сабабли китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид маълумотлар бот-бот учрамоқда.

Ишчи гуруҳлар 124 ҳолатда болаларга оид китобларда ёш хусусиятларига мос бўлмаган ва улар онгига салбий таъсир қиладиган жумлалар қўлланилганини аниқлаган.

Шунингдек, чоп этилган айрим китобларнинг (142 ҳолат) амалдаги давлат стандартлари талабларига мос келмаслиги, кўплаб китобларда тарихий фактлар нотўғри тарзда берилганлиги (46 та), тиббиётга оид нашрларда ҳам ноаниқ ва илмий исботланмаган маълумотларнинг учраши (29 та) бу борада янги қонуний-меърий ҳужжатларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонун

айнан ноширлик соҳасидаги корхоналарда бош муҳаррирнинг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар ва уларнинг масъулиятига оид янги 15-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра:

- бош муҳаррир наشريёт тахририятининг ижодий фаолиятига раҳбарлик қиладиган, наشريётнинг мавзу режалари ишлаб чиқилиши ҳамда нашрларнинг қонунчилик талабларига, ноширлик фаолияти соҳасидаги техник регламентлар (миллий стандартлар) талабларига мувофиқ тайёрлашни учун масъул эканлиги;
 - бош муҳаррир лавозимига олий маълумотта ва ноширлик фаолиятида камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкинлиги;
 - бош муҳаррир ташкилотнинг муассиси (муассислари) ёки раҳбари томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши;
 - наشريёт нашрларини чиқариш тўғрисидаги қарор бош муҳаррир томонидан қабул қилиниши;
 - бош муҳаррир наشريётнинг ижодий фаолияти учун жавобгар эканлиги;
 - бош муҳаррир нашрларнинг мавзу йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли экспертлар ва олимларнинг ёки илмий тадқиқот муассасаларининг тақризларини мустақил равишда олишга ёки муаллифдан (муаллифлардан) уларнинг тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилмоқда.
- Бир сўз билан айтганда, бундан буён наشريётлар бош муҳаррирсиз фаолият юритмайди ва бу фаолиятда бош муҳаррир нашрга тавсия этилган китобларнинг бадий, илмий ва маънавий қиймати, қолаверса, у мустақил равишда тақризлар олиш ёки муаллифдан тақдим этишни талаб қилиш орқали асарнинг илмий ва маданий қиммати нини объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, китобхонларнинг ишончини қозонишга ва соҳанинг обрўсини оширишга ёрдам беради.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Кун нафаси

“ЯШИЛ” ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАБИАТ
МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ ОМИЛИ

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналиши ҳам айнан ана шундай эзгу мақсад — келажак авлодларга барқарор, хавфсиз, фаровон дунёда яшаш имконини тақдим этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Сўнгги йилларда бу йўналишда кенг қамровли ислохотлар қилинмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи алоҳида бобда мустаҳкамланди. Давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мажбуриятлари белгилан кўйилди.

Ҳозирда экологик қонунчилик тақомиллаштирилиб, кўплаб дастур ва лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Бу жараёнда иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу мақсадда жорий йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди ва давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилляпти.

Давлат дастури доирасида сув, ҳаво, тупроқ соғлигини асраш, обихаётни тежаш, табиий мувозанатни сақлаш, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича изчил ишланыляпти. Хусусан, “Яшил макон” дастури



доирасида шаҳарлар ҳудудининг камида 30 фоизини кўкаламзор майдонларга айлантириш, кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни 100 фоиз табиқ этиш кўзда тутилган. Тез сурьатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага талабтани тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар барпо этиляпти. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режа қилинган.

Бу борада кўзланган натижаларга эришишда саноат корхоналарини замон талаблари асосида модернизациялаш ва экологик соф технологияларга ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу тизимдаги қатор корхоналар ҳали-ҳануз атроф-муҳитни фолослантиришда асосий манбалардан бири бўлмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятда атмосферага таъсири юқори бўлган 1233 та саноат корхонаси фаолият юртияпти. Уларни модернизация қилиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Жорий йилги давлат дастурида ана шундай долзарб экологик муаммоларни ҳал этиш борасида муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, 2025 йил 1 майдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида экологияга таъсири юқори бўлган янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш тақиқланди. Бундан мақсад аҳоли гавжум яшайдиган шаҳарлар экологиясини муҳофаза қилиш, табиат мусаффолигини сақлашдир.

Экология муаммоси ҳудуд ёки минтақа танламайди. Шу боис, табиий мувозанатни сақлашга йўналтирилган лойиҳаларни кенг миқёсда рўёбга чиқариш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, барча ҳудудларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш ишлари бажаришмоқда. Бу жараёнда саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ва соф экологик

ривожланиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш тизимини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётди. Қарорга мувофиқ, атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга ошириш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилляпти.



ривожланиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш тизимини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётди. Қарорга мувофиқ, атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга ошириш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилляпти.

Вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси маълумотиға кўра, шу мақсадда вилоятда фаолият юритаётган 272 та тадбиркорлик субъектида атмосферага устувор турғун ифлослантирувчи манбалардан чиқадиган ташламаларни таҳлил қилувчи автоматик мониторинг станциялари, санитар ҳимоя зоналарида автоматик стационар кузатув постлари ҳамда юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш белгиланган. Бугунги кунда корхоналарнинг 34 тасида юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди ва 13 таси модернизация қилинди.

Мисол учун, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ ишлаб чиқариш корхоналарида аспирация ва вентиляция тизимлари таъмирланди. Чанг-газ тозаловчи ускуна ва шамоллатиш тизими самарадорлиги пасайишига йўл қўймаслик орқали атмосферага 120 тонна ифлослантирувчи модда ташланишининг олди олинди. “Аммофос — Максам” АЖда ҳам таъмирлаш ишлари бажарилган ва атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланмасини камайтиришга эришилди.

Иссиқхона хўжаликлари, саноат корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа объектилари фаолиятида, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда атмосферага чиқарилаётган тўтун, чанг ва захарли газлар миқдорини камайтириш назоратга олинган. Махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан бу йўналишда тегишли ишшоотларда хатлов ўтказилиб, профилактика ишлари олиб борилляпти. Бу жараёнда атмосфера ҳавосига ташламалар белгиланган меъёрлардан ортқча ташланганлик ҳолатлари аниқланганда, қонунчилик талабларига мувофиқ тегишли чоралар қўйилмоқда.

Хусусан, дудбурондан фойдаланиш қондаларини бузган 39 та иссиқхона эгасига нисбатан маъмурий жараймалар қўлланилди. 33 тасининг фаолияти тўхтатилиб, 292 таси бўйича экологик талабларга мувофиқлаштириш юзасидан расмий огоҳлантириш берилди.

Ҳавони ифлослантирувчи яна бир манба — автотранспорт воситаларидан чиқаётган ис газининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида икки босқичли “Тоza-ҳаво” тадбири ўтказилляпти. Ушбу тадбирнинг биринчи босқичида 35 мингдан ортқ автотранспорт воситаси текширувдан ўтказилди. Ойликнинг иккинчи босқичида яна 35 мингта автотранспорт воситаси текширувдан ўтказилиши режалаштирилган.

Яна бир муҳим экологик лойиҳа — атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифаларга кирувчи йирик саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ”лар барпо этилаётгани ҳам самарасини бермоқда. Тошкент вилоятида фаолият юритаётган ушбу тоифага мансуб 173 та йирик саноат корхонаси атрофига 1 миллион 210 минг туп даррахт кўчати экилиб, “яшил белбоғ”лар барпо этиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача 760,7 минг туп кўчат экилди. Бу ишлар куз мавсумида давом эттирилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Муносабат

Жасурбек ОТАНИЕЗОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг Хитой билан алоқалари кенг қиррали ва қамровли бўлиб, энергетика, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо, ижтимоий хавфсизлик шулар жумласидан.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиги янада ривожлантириш мақсадида 2025 йил 2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ҲАМОҲАНГ МАҚСАДЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида жуда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро қатор битимлар сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос яратмоқда. Икки мамлакат компаниялари иштирокида саноат кооперацияси, инфратузилмани модернизациялаш, транспорт, фармацевтика, телекоммуникация, юқори технологияли саноат парклари лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қадимий Ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида минтақавий иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган ушбу ғоя тарихан қисқа даврда кўплаб тарафдорларига эга бўлган ҳолда халқро ҳамкорлиқнинг янги моделига айланди. Чунки Хитойнинг Марказий Осиё, Европа ва Африка минтақасида жойлашган 70 дан ортиқ мамлакатни



“Бир макон, бир йўл” ташаббуси айнан минтақавий иқтисодий ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, товарлар, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида савдо ва инвестициялар учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, кенг кўламли халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш, давлатларнинг транзит салоҳияти ва энергия тизимларини ривожлантириш каби долзарб масалалар ечимига қаратилган.

Бу ташаббус денгизга тўғридан тўғри чиқиш йўлига эга бўлган давлатлар билан ҳам, қитъанинг ичкарида жойлашган мамлакатлар билан ҳам интеграция лойиҳаларини амалга оширишни назарда tutади. “Бир макон, бир йўл” 2013 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Қозғистон ва Индонезияга ташрифлари давомида узоқ муддатли стратегик режалар сифатида илк бора илгари сурилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Буюк ипак йўли доирасида кўшни давлатлар билан ҳамкорликда “иқтисодий занжирни куриш” ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ҳамкорлиқнинг тўртта йўналиши — сиёсий маслаҳатлашувлар, транспорт инфратузилмаси, савдони оsonлаштириш ва пул муомаласи масалалари қамраб олинди. Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Хитой ташаббуси дастлабки қамровидан фарқи ривашида анча кенгайди, географик жиҳатдан дунёнинг деярли барча минтақаларини қамраб олди. Ташаббус тарафдорлари бўлган мамлакатлар минтақавий жиҳатдан ноёб табиий ресурслар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, янги инновацион ишланмалар, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик имкониятлар борасида юқори салоҳиятга эгадир.

Сўнгги йилларда темир йўллардан, денгиз портларидан ва рақамли инфратузил-

мастаҳкамлаш ва иқтисодий интеграциялашувни кучайтиришга қўлай шароит яратди. Шунга мос равишда савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадаллашмоқда. Ўзбекистон 200 га яқин давлат билан савдо алоқаларига эга бўлса, 2025 йилнинг январь-июнь ойларида мамлакатимиз умумий ташқи савдо айланмасининг 17,7 фоизи айнан Хитой улушига тўғри келади. 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард доллардан ошди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш орқали бу кўрсаткичи 20 миллиард долларга етказиш вазифаси турибди.

Давлат раҳбарларининг жорий музокаралари жараёнида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўли курилишининг амалий босқичи бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Бу транспорт йўлакларини ишга тушиши мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу лойиҳа минтақаларо алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бериб, Марказий Осиё давлатларининг транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва минтақанинг халқро транспорт-транзит маркази сифатида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Хитойга расмий ташрифи доирасида “China Gold”, “China Coal Resources”, “China Datang Corporation”, “Tianjin Rail Transit Group”, “Poly Changa”, “Tianjin Urban Construction”, “Jinchuan Group”, “China Synfuels”, “Jinchuan”, “ST Wonderful”, “Mizuda”, “World Agriculture”, “Dongzhu Ecology” ва бошқа маҳаллий етакчи компаниялар раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда энергетика, геология, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё, зарғарлик саноати, жамоат транспортни модернизациялаш, инфратузилмани ривожлантириш ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Хитой мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксал-



Бунёдкорлик

Марғилон шаҳрида Реновация дастури асосида қурилган кўп қаватли турар жой биноларининг дастлабки хонадонлари эгаларига топширилди. Худудда 365 кун давомида катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилди, ташаббус қулоч ёзди. Бу бежиз эмас, албатта.

Президентимиз ўтган йили 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида аҳоли фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида янги уй-жойлар қурилишини кўпайтириш борасида тақлиф берган эди. Яъни Реновация дастурини амалга ошириш, эскирган бинолар ўрнида замонавий уйлар қуриш орқали аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш назарда тутилганди. Бугун ушбу тақлифлар ижроси нозаб оилаларга қувонч, шодлик олиб кирди.

Хусусан, Марғилон шаҳри “Ипакчи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги эски уйлар ўтган асрнинг ўрталарида қурилган боис, аксарияти тор, пасткам эди. Бу уйларда ҳатто кундулик ҳаёт тарзи учун зарур шароит ҳам бўлмаган. Хом гиштдан қўтарилган бир қаватли бино нафақат эскирган, балки оилалар учун торлик ҳам қилиб қолганди. Битта хонадонда икки-уч оила, 10-12 жон бир амаллаб кун кўриб келаётганди. Бундай манзара, табиийки, шаҳар кўрқига соя солиб турганди. Энди бу ердаги ҳолат мутлақо бошқача. Эски уйлар аҳоли розилиги билан Реновация дастури асосида бузилди. Ўрнида кўркам кўп қаватли уй-жойлар, дам олиш, хизмат кўрсатиш иншоотлари қуриб битказилди. Шунингдек, кенг ва раvon йўллар, табиий газ, тоза ичимлик сув, электр таъминоти билан боғлиқ зарур инфратузилма тармоқлари ўтказилди.

— Бу ерда 68 та бир қаватли эски уй мулкдорларнинг розилиги билан бузилди. Улар



ўрнида Реновация дастури асосида замонавий 440 хонадондан иборат 11 та кўп қаватли уй қурилди, — дейди Марғилон шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жойларни рўйхатга олиш, алмаштириш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Орифжон Йўлдошев. — Қисқа муддатда ҳамма ҳавас қиладиган замонавий уйлар мажмуаси барпо этилиб, аҳоли кундулик

ҳаёт тарзи учун керакли бўлган шарт-шароит яратиб берилди. Реновация дастури асосида уй-жойи бузилган мулкдорларга шу ернинг ўзиндан замонавий турар жой бериш бўйича ўзаро келишувлар имзоланди. Унга кўра ер участкасида жойлашган бино ва иншоотлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилиши муносабати билан ўрнига мулкдорга кўп қав-

ватли уйлардан хонадон хусусий мулк қилиб берилди.

Марғилонда биринчи маҳалла массиви қурилиш ишларини самарали ташкил этиш учун махсус штаб фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу штаб иш кўламини назорат қилади. Шунингдек, мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мавжуд масалаларга ечим топиш билан шуғулланади. Бу ерда мулк эгаларининг ҳуқуқлари, имтиёз ва имкониятлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан бепул ҳуқуқий маслаҳат берилади, хизматлар кўрсатилади.

“Ипакчи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муллохон Мирсаидовнинг ота-онасидан зероқ қолган уч хонали уйда уч оила амаллаб кун кўриб келган. Эски бинолар бузилиб, ўрнида муҳташам уйлар қад кўтаргач, бу оилаларнинг ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди.

— Болагимиз хотиралари билан боғлиқ ерлар, дўст-биродар, қўни-қўшинлар биз учун қадрдон, — дейди Зулфияхон ая қувонч билан. — Уйимиз Реновация дастури асосида бузила бошлаганда “Кўчада қоламмизми?” деган хавотиримиз бор эди. Бу ҳадиқ ўринсиз чиқди. Бизга янги қуриб битказилган кўп қаватли уйлардан учта хонадон берилди. Ҳар бир хонадон икки-уч хонадон иборат. Бу жуда катта имконият. Ҳамма шароити бўлган жойда эмин-эркин яшашнинг завқи бошқачада.



Муслимбек ТўЛАНОВ олган суратлар.

Шукр, мана шундай имконият, шароит яратиб берган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Раҳматжон Эминжонов ҳам шу маҳалладаги каталақда уйда икки фарзанди ва келин-неваралари билан яшаб келган. Умумий фойдаланувдаги сув, ошхона, бошқа коммунал хизматлар кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлارد. Энди бу қийинчиликлар ортда қолди. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги бу оиллага ўзгача қувонч, шодлик олиб келди. Оилага Реновация дастури асосида қурилган кўп қаватли уйлардан алоҳида учта хонадон ажратиб берилди.

Хусусий мулк бўлган ўн та эски уй-жой ўрнида 98 хонадонли 9 қаватли уйлар қуридик, — дейди “Safohouse” МЧЖ раҳбари Жаҳонгир Камолхон. — Мулкдорлар билан имзоланган келишувга кўра, ҳар бир оилани белгиланган меъёр талаблари асосида бепул уй-жой билан таъминлаймиз. Бундан ташқари, дам олиш хиёbonлари, яшил йўлаклар, болалар ўйин ва спорт майдонлари, автотураргоҳлар қурдик. Буларнинг барчаси

мамлакатимизда инсон қадр-қиммати қанчалик эътибор, эъзоз топганидан далолат беради.

Кўқон шаҳри “Гиштли масжид” маҳаллада фуқаролар йиғинидаги учта икки қаватли эски турар жой биноси ўрнида Реновация дастури асосида бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Орадан бир йил ўтиб, учта етти қаватли, 119 хонадонли уйлар тўлиқ битказилди. Мустақиллигимизнинг 34 йиллик байрамда бу уйлар фойдаланишига топширилди.

Реновация оддий сўз эмас. Унинг замирида аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ободонлаштириш, ҳамма нарсаси инсон ва унинг бахт-саодати учун деган эзгу тамойил мужассам. Мамлакатимиз бўйлаб қулоч ёган ҳаётбахш ислохотлар кўҳна шаҳарлар, маҳаллаларга улғувроқли, кўтаринкилик бахш этиш билан бирга, аҳолининг уй-жойга талаби ва эҳтиёжларини таъминлаш, улар учун муносиб шароит яратишга хизмат қилаётди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Гулноза ИСМОИЛОВА,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
ижрочи директори

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда таълим борасида катта ўзгаришлар рўй бераётганини магистратурада тахсил олаётган талабалар сони сўнгги етти йилда 7 баробар, аёллар орасида эса 11 баробар ошганидан ҳам англаш қийин эмас.

Бундан ташқари, 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган 25 йил давомида бюджет ҳисобидан чет элда атиги 800 нафар талаба ўқиган бўлса, 2018-2025 йилларда бу кўрсаткич қарийб уч баробар кўпайди. 2 минг 300 нафардан ортқ талаба “Эл-юрт умиди” жамғармаси туфайли бундай имкониятга эга бўлди. Дастур кенгайишда давом этмоқда.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар самарасига ўзбекистонлик ёшларнинг “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириши бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаши яққол мисол сифатида келтириш мумкин. Буларнинг барчаси стипендиялар, грантлар ва халқаро стажировкаларни ўз ичига олган истеъодларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилгани туфайли рўёбга чиқмоқда.

Янги формация
етакчиларини тайёрлаш

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 5 майдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хазурида Истиклол кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг қайта ташкил этилиши янги йўналишининг рамзига айланди. Қайта ташкил этиш кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтиришга қаратилган. Давлат сёисёти ва бошқаруви академияси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан ҳамкорликда инсон капиталига инвестиция қиритиш платформаси сифатида кадрлар тайёрлаш бўйича ягона кластер шакллантирилди.

Юксалиш палласи

Хатирчи туманининг Бинокор маҳалласида истикомат қиладиган Сухроб Хайдаров болалигидан ёғоч ўймакорлиги хунарига меҳр қўйган. Энди эсини таний бошлаган пайтлари қўшнисининг уйидан муттасил келадиган шовқин сабаби ҳақида отасидан сўраган. Отаси эса қўлидан етаклаб, уларнинг уйига олиб чиққан. Қўшниси ва шогирдлари оддий ёғочдан турли буюмлар ясаётганини кўриб, шу хунарга қизиқиб қолди.

Ўша кундан бошлаб Сухроб дарсдан бўш вақтида қўшниникига отланар, ёғочзоларининг ишини, турли маҳсулотларнинг тайёрланиш жараёнини соатлаб кузатар эди. Унинг қизиқишини кўрган уста илк бора боланинг қўлига зарур ускуналарни бериб, ёғочга дастлабки ишлов беришни ўргатган. Йиллар ўтиб, Сухроб хунараманднинг ҳақиқий шогирдига айланди ва бу касбнинг сир-асрорларини пушта ўрганди.

Бир кун маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчисининг йўқлаб келиши унинг йиллар давомида кўнглига туққан орзуси амалга ошишига йўл очди. Сухробнинг бизнес лойиҳаси ҳам “маҳалла еттилиги”га маъқул тушди ва унга зарур кўмак берилди.

Бугун ёғоч ўймакорлиги асосида тайёрланган маҳсулотларга талаб юқори эканини инобатга олиб, Сухроб Хайдаров имтиёзли кредит асосида хунарамандчилик фаолиятини йўлга қўйди. Аҳолидан бюртумалар тўшмоқда, даромади ҳам яхши. Келгусида у тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириш, ўзи сингари ёшларни иш билан таъминлашдек катта режаларни мақсад қилган. Албатта, бу жараёнда давлат ва ёшлар ўртасида мустаҳкам кўприк бўлаётган “маҳалла еттилиги”, айниқса, ёшлар етакчиларининг алоҳида хизмати бор. Улар ёшларни юртимиздаги

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси — дунёнинг нуфузли таълим ва илмий марказларида таълим олган янги асосий етакчилари, мутахассислар жамоасини шакллантиришдан иборат. Улар Ватанга қайтиб, илгор билимларни жорий этиш, давлат институтларини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт, рақамлаштириш, маданият ва бошқа муҳим соҳаларни янги босқичга кўтариш, янги Ўзбекистонни барпо этишга ҳисса қўшиш учун фаолият олиб боради.

Ўзбекистонлик ёшлар Оксфорд ва Гарварддан тортиб, Токио ва Берлингача бўлган дунёнинг нуфузли университетларида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Улар STEM, энергетика, транспорт, урбанизация, ҳуқуқ, давлат бошқаруви, тиббиёт, агротехнологиялар каби ўнлаб долзарб йўналишларни ўзлаштирмоқда.

Ҳеч ким ортда қолмайди

“Эл-юрт умиди” жамғармаси шунчаки хорижда таълим олиш учун стипендия берадиган тузилма эмас, балки келажақ миллий кадрларини шакллантиришга йўналтирилган тўлақонли стратегик институт. Унинг фаолияти таълимни молиялаштириш доирасидан анча кенгайган: иштирокилар сони сезиларли даражада оширилди, тайёргарликнинг устувор йўналишлари аниқ белгиланди, қўллаб-қувватлаш шакллари, жумладан, грантлар, давлат органлари ходимлари учун мақсадли стажировкалар тизимлаштирилди.

Хориждаги халқаро университетлар, илмий ва эксперт доиралари, давлат ва хусусий тузилмалар билан ҳамкорлик жамғармани ривожлантириш стратегиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу Ўзбекистонни дунёда имкониятлар, мулоқот, ёшлар ташаббуслари ва интеллектуал куч маъналати сифатида танитиш учун хизмат қиладди.

Чунки хорижда таълим олиш фақат шахсий муваффақият эмас. Бу халқаро ҳамкорлик кўприкларини, маданиятлар ва гоаялар мулоқоти, глобал майдонда Ўзбекистоннинг очик, тараққийпарвар давлат сифатидаги қиёфасини илгари суриш имкониятидир. Жамғарманинг ҳар бир стипендианти мамлакатнинг норасмий элчисига, қадриятлар, маданият, аъналар ва ислохотчилик руҳини дунёга улашувчи инсонга айланади. У Ўзбекистоннинг очик ва илгор давлат сифатидаги тасвирини дунёга етказди.

Янги стратегия доирасида ҳудудлардан келган ёшларни, аёлларни, илм-фан ва давлат бошқаруви соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, токи ҳар бир истеъод, унинг географик жойлашуви ёки ижтимоий маъқелдан қатъи назар, эътиборга олинсин. Бу барқарор ривожланишнинг глобал мақсадларига, жумладан, “Ҳеч ким ортда қолмайди” деган муҳим тамойилга мос келади.



Шаффофлик

Жамиятда ва ахборот маконида шундай фикр тобора кўпроқ янграмоқда: дунёнинг ТОП-100 ёки ТОП-300 университетларида ўқиш. Бу обрў эмас, балки сифат ва алоқалар тармоғидир.

Биринчидан, бундай олий ўқув юртлари илгор методологиялар ва тадқиқот базаларидан фойдаланишни қафолатлайди. Иккинчидан, улар кейинчалик ҳамкорлик лойиҳаларига айлантирилиши мумкин бўлган тармоқлашув майдонига айланади. Учинчидан, етакчи университетларнинг дипломлари мартаба ўсишини осонлаштиради ва битирувчиларга иш бевурилар ва давлат томонидан ишонч бағишлайди.

Тайёргарлик йўналишларини танлаш ҳам давлатнинг устувор йўналишларини кўрсатади. STEM фанлари — фан, муҳандислик, рақамли технологиялар асосий фанлар қаторига киради. Буларга энергетика ва “яшил иқтисодиёт”, тиббиёт ва таълим, давлат бошқаруви соҳалари қўшилмоқда. Бу ерда аниқ ҳисоб-китоб бор: ушбу соҳалар яқин йилларда Ўзбекистоннинг глобал харитадаги рақобатбардорлигини белгилаб берадиган ўсиш нуқталаридир.

Танлов жараёнининг шаффофлиги ва очиклиги жамғарманинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2025 йил биринчи очик стипендия танловига доирасида қисқа муддатда my.gov.uz миллий тизимига интеграция қилинган махсус онлайн ариза қабул қилиш платформаси ишга туширилди. Ушбу платформа бюрократик тартиб-таомилларни сезиларли даражада қисқартириш, шунинг-

дек, инсон омили таъсирини баргараф этиш имконини берди, бу эса коррупция хавфининг олдини олиш бўйича самарали чора бўлди.

Танлов комиссияси таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди: аъзоларнинг камида 50 фоизи нодавлат ташкилотлар ва хусусий сектор вакиллари бўлди. Ўқишни тамомлаб, вазирилик ва идораларда ишлаётган стипендиатлар эксперт сифатида иштирок этди. Сухбат жараёни мажбурий видеоёзув ва Интернет тармоғида онлайн трансляция билан очик форматда ўтказилди.

Хорижда иш ёки ўқиш билан бўлиб турган номзодларга онлайн суҳбатдан ўтиш имконияти яратилди. Суҳбат ўтказиш санаси олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари кунига тўғри келган тақдирда абитуриентлар мурожаатларига кўра, суҳбатни бошқа кунга қўчиришга рухсат берилди.

Бундай чоралар ҳар бир муносиб номзод суҳбатда ўзини тўлиқ намоён этиши ва техник ёки вақтинчалик чекловлар туфайли ўз имкониятини қўлдан бой бермаслигини таъминлашга қаратилган.

Ватанга қайтиш —
онгли танлов

Жамғарма мамлакатнинг асосий вазирилик ва идоралари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқда. Давлат органлари нафақат мутахассисларни танлашда иштирок этади, балки стипендиатларни жалб қилишда ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда самарали ишлаш учун битирувчиларнинг ягона рақамли маълумотлар базаси яратилмоқда. Бу стипендиатларнинг ўқиш жараёни, акаде-



ХАТИРЧИЛИК ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДА



ислохотлар ва имкониятлардан хабардор қилиб, йўлини топишга қўмаклашмоқда.

— Маҳаллаимиз туман марказида жойлашгани туфайли асосий драйвери ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдир, — дейди Хатирчи тумани Бинокор маҳалласидаги ёшлар етакчиси Баҳодир Хошимов. — Ушбу йўналишларда маҳаллаимизда устоз-шогирд аънаси намунали тарзда йўлга қўйилган. Бу эса ёшларни доимий ва барқарор даромадли иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир Сухроб каби ёшларнинг 10 нафари имтиёзли кредит асосида лойиҳаларини амалга ошириб, тадбиркорлик қилапти. Бундай ташаббускор ёшлар оғир тоифадаги тенгдошларини ҳам ёнига олиб, уларни даромадли иш билан банд қилмоқда.

Хатирчи туманида 217 мингдан зиёд киши истикомат қиладди. Уларнинг қарийб 100 мингга ёшлардан иборат. Туманда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, айниқса, уларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навобатига, ташаббускор йигит-қизлар лойиҳалари билан ушбу

йўналишда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Мисол учун, Самарқанд маҳалласида яшовчи Шахноза Қиличова хонадонига кичик новвойиона очиб, имтиёзли кредит асосида зарур ускуналар сотиб олди. Натижада оиласи иш билан банд бўлди. Харид қилинган замонавий жиҳозлар ва нон маҳсулотларини етказиб беришга мўлжалланган машина орқали даромади ҳам ошди, мушқули ҳам осон бўлди.

Фаровон маҳалласида яшовчи Эъзоза Сулаймонова ҳам имтиёзли кредит эвазига оилавий тадбиркорлигини кенгайтириб, паррандачиликни йўлга қўйди. Аҳоли дастурхонига сифатли ва арзон парранда гўштини етказиб беришни мақсад қилган ёш тадбиркор мамлакатимиздаги имкониятлардан мамнун.

— Жорий йилда туманимиздаги 270 йигит-қиз “Ёшлар дафтери”га қиритилиб, уларга ҳар томонлама қўмак бериш учун 1 миллиард 476 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди, — дейди Хатирчи тумани ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Акмал Турсунов. — Ушбу



маблағ ҳисобидан 2 ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Яна 12 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун субсидия асосида меҳнат қуролилари олиб берилди. Шунингдек, 1 нафарига имтиёзли кредит, 3 нафарига тиббий хизмат кўрсатиш учун маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 190 йигитнинг тўлов-шартнома пули, 17 нафарининг сафарбарлик чакирув резерви тўлови, 3 нафарининг турар жой ижараси, 11 нафарининг туризм объектларига саёхати учун меҳмонхона ва йўл харажати тўлаб берилди.

Туманда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича ҳам қатор ишлар бажарилмоқда.

— Ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишни кенг тарғиб қилиш учун “Ибрат фарзандлари” лойиҳасига 9781 йигит-қиз жалб этилди. Уларнинг 799 нафари чет тилларни билиш даражасини белгиловчи сертификатларни қўлга киритди, — дейди Акмал Турсунов. — “Келажақ касблари” лойиҳаси орқали эса 59 ёш замонавий касбларга ўқитилди. Улар учун 139,2 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, махсус дастур асосида 28 нафар ёш немис тилига ўқитилди. Бундан ташқари, жорий йилда халқаро имтиҳон тизимларида юқори натижага эришган 22 йигит-қизнинг 34,6 миллион сўмлик имтиҳон харажати қоплаб берилди. Ҳозир туманда иккита ўқув маркази ва филиалларида хатирчилик ёшларга чет тиллар ҳамда замонавий касблар ўргатиб келинмоқда.

Аҳолининг бандлиги ва барқарор даромадга эга бўлишини таъминлашда қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам самарали йўналишлардан биридир. Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра тумандаги 1340 ёшга деҳқон хўжалигини юритиш учун 600 гектар ер ажратилди.

Истиклол маҳалласидаги 8 гектар ер 12 нафар ёшга берилган. У ерда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида кунгабоқар етиштириш йўлга қўйилган. Ҳар бир гектардан йилга 15-20 миллион сўм даромад топаётган ёшлар мавсумий ишлар орқали фўкарлар бандлигини ҳам таъминламоқда.

Албатта, ерга кетмон урган билан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Деҳқончиликнинг ҳам ўзига хос сирлари, агротехник талаблари бор. Об-ҳаво инжиқликлари ёки шу каби мураккаб вазиятларда, табиийки, ёшларга устоз

мик ютуқлари ва кейинги ишга жойлашишни кузатиб бориш имконини беради.

Жамғарма ёрдами фақат ўқиш даври билан чекланмайди. Стипендиатларнинг қайтиши ва уларнинг касбий муҳитга мослашишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамғарма ишга жойлашишга қўмаклашди, хорижда олинган билим ва кўникмалар талаб қилинадиган иш ўринларини топишга ёрдам беради, муносиб меҳнат шартонлари, карьера имкониятлари ва касбий ўсишни таъминлаш учун ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладди.

Муҳими, касбий муҳитга қўшилиш жараёни ўқиш давридаёқ бошланади. Масалан, бу йил АҚШ ва Буюк Британияда тахсил олаётган стипендиатлар ўзимизда амалиёт ўтаб, стартаплар, вентчур инвестициялари ва рақамли технологиялар соҳасида тажриба орттирди. Бу уларга миллий воқелик билан алоқани йўқотмасликка ва таълим босқичидаёқ Ўзбекистондаги келажақ касбий фаолиятга тайёргарлик кўришга ёрдам беради.

Биз ватанга қайтиш манتيқий ва онгли танлов бўладиган тизимни яратишга интиляпмиз. Битирувчиларга нафақат стипендия олувчи, балки янги билимлар эгалари, ўзгаришлар ҳаракатлантирувчиси ва мамлакатни модернизация қилишнинг фаол иштирокчиси сифатида қаралади.

Минтақавий таълим хаби

Жамғарма фақат “экспорт учун” ҳам ишламайди. Ўзбекистонни минтақавий таълим марказига айлантириш режалаштирилмоқда. Гап ТОП-300 га кирувчи университетлар билан қўшма дастурлар тузиш, Ўзбекистонда хорижий олий ўқув юртлари филиалларини очиш, қўшни давлатлардан талабаларни жалб қилиш ҳақида бормоқда. Ушбу стратегия икки томонлама самара беради: Ўзбекистоннинг минтақавий ролини мустаҳкамлаш ва маданий алмашинуви рағбатлантириш.

Жамғарманинг келгуси йиллардаги асосий вазифаси ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ва битирувчиларни миллий иқтисодиётга интеграция қилишнинг мустаҳкам йўлларини шакллантиришдан иборат.

Глобал ҳамкорликнинг расмий механизми ишдан чиқаётган бир даврда мутахассисларнинг шахсий алоқалари ва малакаларига эътибор қаратилмоқда.

Бугун мамлакатимиз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошираётган бир пайтда хорижда таълим олишга эътибор қаратиш ҳашамаат эмас, балки заруратга айланмоқда. Зеро, фақат шу йўл билан дунёга мослашибгина қолмай, уни шакллантирадиган мутахассисларни тарбиялаш мумкин.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси фақат иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш дастуригина эмас. Бу давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон келажагини жаҳон даражасидаги билим ва тажриба билан қуролланган ёшлар бунёд этилишига қаратилган стратегик лойиҳасидир.

ХАТИРЧИЛИК ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДА

керак. Ушбу ҳудудда наманганлик деҳқонлар билан устоз-шогирд аънаси йўлга қўйилгани сабабли ерга қадалган ҳар бир уруғдан кўзланган ҳосил олинапти.

— Бу ерда деҳқончилик билан шуғулланиб, маҳаллий аҳолига ҳам тажрибамизни ўргатамиз, — дейди наманганлик Аббос Холбоев. — Ерни шудгор қилишдан бошлаб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар тавсияларимиз билан кўмак берамиз. Айниқса, ёшлар учун бу маслаҳатлар жуда зарур. Экинларга ўз вақтида ишлов бериш, агротехник ишларни ёшлар тез ўзлаштирмоқда. Бу каби ҳамкорлик йигит-қизларнинг қишлоқ хўжалигида маҳсулотларидан мўл ҳосил олиб, яхши даромад топишда муҳим омил бўлмоқда.

Хатирчи туризм ҳудудига айланиб бераётир. Туманга келаётган хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун қулай шартон яратилмоқда. Бу жараёнда ҳам ёшлар фаолилик кўрсатмоқда. Туманга киришдаги кенг майдонда бунёд этилаётган “Соҳилбўйи” дам олиш маскани айнан ёш авлодининг креатив гоаялари, замонавий дизайн ва архитектураси асосида қуриляпти. Аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари, савдо комплекслари ҳам аукцион орқали ёш тадбиркорларга берилиб, уларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бу ҳам ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйиш учун қулай имконият.

Бугун ёшларнинг иқтидори ва қизиқишига кўра танлов қўламини кенг. Муҳими, интилиш, ҳаракат бўлса, кифоя. Бу каби имконият ва шартонлардан самарали фойдаланаётган хатирчилик ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари фикримизнинг яққол далилидир.

**Ғолиб АБДУСЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЎЗА якуни — 23:20 Топширилди — 23:30

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири